

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5120200 – 3.08

2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “25” 08

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000 – Гуманитар соҳа; 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	120 000 – Гуманитар фанлар; 220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари); 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

- Д.Тешабаева – ЎзДЖТУ, “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор.
- С.Султонсаидова – ЎзДЖТУ, “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари намзоди.
- Д.Расулмухамедова – ЎзДЖТУ “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси катта ўқитувчиси.
- У.Қ.Кўчимов – ЎзДЖТУ “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси катта ўқитувчиси

### **Такризчи:**

- Т.Шермуродов – Низомий номидаги ТДПУ, “Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, филология фанлари намзоди, доцент.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

## **Фаннинг долзарблиги**

Адабиётшунослик фани адабиётнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни, адабиётнинг маънавий-маърифий аҳамияти, адабиётнинг табиий ва ижтимоий фанлар ва санъатнинг бошқа турларидан фарқи, адабий турлар ва жанрлар, ижодкорларнинг ўзига хос услуби, ижодий метод ва оқимлар, янги ижодий йўналишлар, ҳозир кундаги жаҳон ва ўзбек адабий жараёни кабилар тўғрисида маълумот беради.

Адабиётшунослик фанининг аҳамияти ижтимоий ҳаёт ва адабиётни тушуниш, бадиий асарларнинг бадиий-эстетик даражасини аниқлаш, таҳлил ва талқин қилиш, адабий ва замонавий қаҳрамон ҳамда реал ҳаёт кишиси ўртасидаги фарқларни ажратиш кабилар билан белгиланади.

Талабалар бу фанни ўрганиш орқали адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари, бадиий асар структураси, адабий мактаблар, тил, моҳият ва интерпретация, поэтика ва риторика, адабий тур ва жанрлар, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт, ижодий метод ва услублар, ижодкор услуби, бадиий образ, адабий қаҳрамон, бадиий санъатлар ва ҳозирги адабий жараён ҳақида маълумотга эга бўладилар.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Адабиётшунослик” фани умумқасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1-курснинг 2-семестри ва 2-курснинг 3-семестрларида ўқитилади.

“Адабиётшунослик” фани гуманитар ва ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ фанлар туркумига кириб, барча филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси), таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман филологияси), журналистика (халқаро журналистика) бакалавриат таълим йўналишларида ҳам ўқитилади.

Мазкур фан ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, фалсафа, тарих, психология фанларида ўрганиладиган муаммоларнинг умумийлиги билан бир-бирига боғланган.

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза ва семинар шаклида олиб борилади, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Дарс машғулоти замонавий педагогик технологиянинг турли методлари орқали ўтказилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Талабаларда адабиётшунослик фани бўйича билимларни шакллантириш, бадиий асарларни илмий-эстетик таҳлил қилишга доир муайян билимга эга бўлиш ва уларни амалиётда татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён

бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш**

Адабиётшунослик фанини ўзлаштиришда ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот ва педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза ва семинар машғулотлари шаклида олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил таълим сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, техник воситалардан фойдаланилади. Маъруза, ва семинар машғулотлари замонавий педагогик технологиянинг “бумеранг”, “матбуот конференцияси” сингари илғор методлари орқали ҳамда слайдлар, мультимедиа намоишлари воситасида ўтказилади.

#### **Фан модулининг дастури (module syllabus)**

<b>Ўқув курсининг тўлиқ номи:</b>	Адабиётшунослик		
<b>Курснинг қисқача номи:</b>	АШ	Код: АШ	
<b>Кафедра:</b>	Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик		
<b>Ўқитувчи ҳақида маълумот:</b>	Расулмухамедова Дилфуза Закировна	Dil70@mail.ru	
<b>Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги</b>	2 ва 3-семестр, 38 ҳафта		
<b>Ўқув соатлари ҳажми:</b>	<b>жами:</b>	128	
	шунингдек:		
	маъруза	38	
	семинар	38	
	амалий мустақил таълим	52	
<b>Ўқув курсининг статуси</b>	Умумқасбий фанлар блоки		
<b>Дастлабки тайёргарлик:</b>	Курс “Адабиётшуносликка кириш”, “Адабиёт назарияси” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<b>Фаннинг предмети ва мазмуни:</b> талабаларга адабиётшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, фаннинг предмети ва объекти, фаннинг методи ва унинг элементлари, “Адабиётшунослик” фанида ижодий методларнинг қўлланилишини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.			
<b>Фанни ўқитишдан мақсад:</b> талабаларга адабиётшунослик бўйича билим бериш, бадиий асар моҳияти ва ижод психологияси, адабий тур ва жанрлар, бадиий асарнинг шакли ва мазмуни, поэтик нутқ, услуб ҳамда шу каби бир қатор назарий қонуниятларни аниқ бадиий асарларга татбиқ этган ҳолда ўргатишдан иборат.			

талабаларга иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

**Фаннинг вазифаси:** талабаларни назарий билим ва шахсий мушоҳада қилиш усуллари билан қуроллантириш; адабиётшуносликдаги ҳодиса ва жараёнлар мазмунини мантикий мушоҳада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашига кўмаклашиш; улар онгига миллий истиқлол ғоясини ва миллий мафқуранинг асосий қоидаларини сингдириш; амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.

“Адабиётшунослик” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

- санъат турлари, хусусан, бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини тушунтириш;
- адабий тур ва жанрлар масаласини талқин қилиш;
- адабиётшунослик дастурида берилган мавзуларни янгиликлар билан бойитиб бориш;
- эпик, лирик ва драматик турлар синкретизмининг тушунтириш;
- адабиётшунослик воситасида адабий жараённи баҳолаб бориш, адабиётшунослик тарихи, замонавий адабиётшунослик орасидаги боғланишни тушунтириш;
- адабиётшуносликнинг таркибий қисмларини ўргатиш;
- адабиётшунослик мактаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятини аниқлаш;
- бадиий асарни илмий-эстетик таҳлил қилиш, таржима жараёнида матнни таркибий қисмларга ажратиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- турли методлар асосида бадиий асарларни таҳлил қилишни ўргатиш;
- жаҳон адабиётшунослигидаги таҳлил методлари билан таништириш;
- адабиётшунослик таркибий қисмлари орасидаги боғлиқликни кўрсатиш;
- ўзбек адабиётшуносларининг янги илмий тадқиқотлар, мақола, тезис ва тақризларининг ўзига хос хусусиятларини ўргатиш;
- талабага санъат асарларини ҳис қилиш ва унинг моҳиятини англашни, хулоса чиқариш ва қарор қабул қилишни ўргатиш;

### Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
<b>2-семестр</b>				
1.	“Адабиётшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи. Адабиётнинг назарий муаммолари.	4	4	6
2.	Адабиёт, санъат ва маданиятнинг синкретик шакли	4	2	6
<b>ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)</b>				
3.	Адабиётда мазмун ва мақсад уйғунлиги	4	4	6
<b>ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)</b>				
4.	Бадиий адабиётда мавзу ва ғоя	4	4	4
5.	Бадиий асарда образ ва образлилик	4	4	4
<b>ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)</b>				
<b>2-семестр учун жами</b>		<b>20</b>	<b>18</b>	<b>26</b>
<b>3- семестр</b>				
6.	Бадиий асар сюжети ва композицияси	4	4	4
7.	Тил, маъно ва интерпретация	2	2	6
<b>ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)</b>				
8.	Адабий тур ва жанрлар	4	4	4
9.	Риторика, поэтика ва шеърят	2	4	4

10.	Ижодий метод, услуб ва адабий мактаблар.	4	4	4
<b>ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)</b>				
11.	Бадиий асар таҳлили ва адабий жараён.	2	2	4
<b>ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)</b>				
<b>3- семестр учун жами</b>		<b>18</b>	<b>20</b>	<b>26</b>
<b>2 ва 3-семестр учун умумий соат</b>		<b>38</b>	<b>38</b>	<b>52</b>
<b>Таълим бериш ва ўқитиш услуби:</b>		Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)		
<b>Мустақил ишлар:</b>		Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва х.з.		
<b>Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти</b>		Кунлар	Вақти	Ауд.
1.				
2.				
3.				
<b>Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:</b>				
<b>ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилади</b>				
<b>Баҳолаш усуллари</b>		Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва х.з.		
<b>Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш</b>		<b>Назорат шакллари</b>		
		Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.		
		<b>Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони</b>		
		<b>Балл</b>	<b>Талабанинг билим даражаси</b>	
		86 - 100 балл	– талаба машғулотларга доимо тайёрлаган, жуда фаол, дастурий материалларни яхши билади, хулоса ва қарорлар қабул қила олади, ижодий фикрлайди, моҳиятини тушунтира олади, тасаввурга эга, билимларни амалиётда қўллаш олади; – талаба ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш доирасини мақсадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йўналишларни топа олади, ўқув материалнинг моҳиятини тушунади;	
71 - 85 балл	– талаба ўрганилаётган ходисалар алоқадорлигини билиш ҳамда объектни тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиши билан биргаликда, қўйилган масалаларни сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб берган ҳолда еча олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади ва мустақил мушоҳада қила олади; – талаба машғулотларга тайёрланган, ушбу фанга оид материалларни билади, моҳиятини тушунади ва тасаввурга эга.			
55 - 70	– талабанинг эшитганлари, уларга берилган			

	балл	намуналар асосида топшириқларни бажара олади, моҳиятини тушунади; – талаба қатор белгилар асосида маълум объектни фарқлаш билан биргаликда унга таъриф бера олади ва ўқув материални тушунтириб бера олади ва тасаввурга эга.
	0 - 54 балл	– талаба тасаввурга эга эмас; –талаба ушбу фанга оид материалларни билмайди.
<b>Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:</b>		
<b>Глоссарийлар:</b>		
<b>Ахборот ресурс база:</b>		

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

#### 1-модул. “Адабиётшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи

##### Адабиётнинг назарий муаммолари

Фаннинг мазмуни. Адабиётшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Иқтисодий назорат ва унда аудитнинг ўрни. Фаннинг предмети ва объекти. Фаннинг метод ва элементлари. “Адабиётшунослик” фанида ижодий методларнинг қўлланилиши. Фаннинг “Ўзбек адабиёти, “Тарих”, “Фалсафа”, “Педагогика”, “Маданиятшунослик” ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

Шарқ ва Ғарб адабиётшунослигидаги адабий-назарий фикрлар. Адабиёт ижтимоий онгнинг ўзига хос соҳаси ва ижтимоий тараққиётнинг қудратли омили сифатида. Адабиёт ва замонавийлик. Адабиётнинг ўзига хослиги. Адабиётнинг эстетик қиймати. Назария атамаси. Адабиётшунослик назарияси санъат табиатини тубдан ўзгартиртирувчи фан сифатида. Назариянинг “фикр юритиш”га ишора қилиши. Фикрни назарий жиҳатдан ўта зийраклик билан тугалланиши ва амалиётга татбиқ этилиши.

#### 2-модул. Адабиёт, санъат ва маданиятнинг синкретик шакли

Адабиётшунослик ва маданиятшунослик ўртасидаги ўзаро алоқа. Маданиятшунослик – бадиий асарда “назария”нинг акс эттирилиши ва маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти. Маданиятшуносликни ўрганишнинг ўзига хослиги, бадиий тасвир ва матн структураси. Адабиётшунослик маданиятшуносликнинг таркибий қисми сифатида. Маданиятшуносликда адабий тағ маъно ва услуб. Бартэсинг ижоди. Жаҳон маданиятини ўрганиш. Маданий изланишлар.

Эстетика санъат назарияси сифатида. Тушунишнинг моҳияти. Бадиий – эстетик гўзаллик – санъат асарининг объектив хусусияти ҳамда ёзувчи ва китобхон ўртасидаги ифода. Ҳақиқат ва эзгулик. Ёзувчининг ижодий ниятига кўра эстетик гўзалликни ифодалаши.

### **3-модул. Адабиётда мазмун ва мақсад уйғунлиги**

Бадиий асар ҳақидаги фикрлар. Табиат ва тилнинг аҳамияти. Таҳлил қилиш борасидаги муаммолар ва интерпритация. Бадиий асар мазмуни ва воқеа-ходисалар ечими. Бадиий матнда мазмун ва моҳият, матн ва оҳанг маъноси. Бадиий адабиётни қиёсий аспектда таҳлил қилиш, Шарқ ва Ғарб адабиётшунослигининг ўзига хослиги. Ўхшаш сюжетлар, ўз-ўзини англаш, қаҳрамон тақдири, ўзлаштириш ва кўникаш, образлар тизимида ранг-баранглик.

Бадиий мақсад ва муаллиф имманенти. Бадиий асар образи, қаҳрамон, характер, тип.

### **4-модул. Бадиий адабиётда мавзу ва ғоя**

Мавзуни кашф қилиш. Мавзуни кашф қилишда риторик канон масалалари. Мавзунинг бошланғич нуқтаси ва мақсадга хизмат қилиши. Мавзуда ижодий бурилиш, ғоя контексти. Бадиий тўқима ва тарихий ҳақиқат. Бадиий адабиётда образдаги ғоя чегараси. Ғоянинг турли хил конструктив тузилмалари. Мансура ва насл.

Ғояда мавзу мазмуни. Бадиий асар ғояси ифодасида салбий ва ижобий қаҳрамон. Муаллиф ва китобхон дунёқараши.

### **5-модул. Бадиий асарда образ ва образлилик**

Образ санъат ва адабиётнинг образлар воситасида воқеликни акс эттириш ҳақидаги асосий тушунчасидир. Адабиёт ва санъат воқеликни образлар воситасида акс эттирар экан, ҳар бир асарда тасвирланган нарса, предмет ёки иштирок этувчи шахслар кенг маънода образ дейилади.

Инсон – адабиётнинг асосий қаҳрамони. Образ. Образлилик. Рамз, мажоз. Образ – ижодкор яратган инсон дунёсининг умумлашган тасвири. Бадиий асарда персонажлар ўрни ва аҳамияти; бош қаҳрамон ва иккинчи даражали қаҳрамонлар; фалсафий, аллегорик, реалистик, романтик, хаёлий-фантастик, мажозий-рамзий образлар.

Образли тафаккур (образлилик) санъатнинг спецификаси. Бадиий образ тушунчаси. Бадиий образ хусусиятлари. Инсон образи ва уни яратиш йўллари. Бадиий образ турлари.

### **6-модул. Бадиий асар сюжети ва композицияси**

Сюжет ҳақида умумий тушунча. Конфликт – сюжетнинг ўзаги. Сюжетнинг таркибий қисмлари. Экспозиция, воқеалар тугуни, воқеалар ривож, воқеаларнинг авж нуқтаси, воқеалар ечими. Фабула.

Композиция ҳақида умумий тушунча. Композицион воситалар. Сюжет ва композициянинг чамбарчас боғлиқлиги.

Бадиий асарда тил тушунчаси. Бадиий асар тилининг специфик хусусиятлари. Бадиий нутқ шакллари. Бадиий тилнинг адабий тил ҳамда миллий тил тушунчалари билан муносабати.



## **7-модул. Тил, маъно ва интерпретация**

Тил – адабиётнинг асосий унсури. Тил адабиётда образ яратишнинг асосий қуроли. Халқ тилининг эстетик имкониятлари. Бадиий тил ва тасвирий воситалар. Халқ ижоди (фольклор) ва халқ тили. Адабий тилнинг ўзига хос хусусиятлари. Муаллиф нутқи. Персонаж нутқи. Бадиий адабиётда диалектизм, архаизм, профессионализм, вульгаризм ва бошқа унсурлар масаласи. Тил ва индивидуаллик.

Адабиётда тилнинг ўзига хослиги. Ёзувчининг ижодий ниятига кўра тил воситаларининг танланиши. Тил– бадиий асар ҳодисасида. Бадиий матнда стилистик воситалар.

Интерпретация тушунчаси. Китобхоннинг бадиий асарни қабул қилиши. Адабиётда “ижодий ният” ва ёзувчи дунёқараши. Бадиий асарда тил феномени.

## **8-модул. Адабий тур ва жанрлар**

Эпик тур. Роман, қисса, ҳикоя жанрлари ва кичик жанрларнинг ўзига хослиги. Халқ оғзаки ижоди жанрлари ва уларнинг ранг-баранглиги.

Лирик тур. Шарқ ва Ғарб шеърий жанрларининг ўзига хос томонлари. Ғазал, рубоий, туюқ, қасида, ода, сонет каби шеърий жанрлар. Ритм, бўғин, туроқ, вазн, қофия, равий, радиф. Аруз шеър тизими. Бармоқ шеър тизими. Эркин, сарбаст, ок шеър.

Драматик тур. Трагедия, драма, комедия жанрлари. Драматик турнинг ҳаётий асоси. Драманинг ўзига хос хусусияти. Драмада сюжет ва композиция. Драмада персонаж нутқи ва характерлар тасвири. Драманинг жанрлари.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ва адабий жанрлар. Адабий жанр. Адабий жанрлар воқеликни китобхонга етказишда қулай восита. Жанрларнинг фарқли хусусиятлари. Лирик, эпик ва драматик тур ва унинг жанрлари. Жанрларда воқеликнинг ифода усуллари.

## **9-модул. Риторика, поэтика ва шеърят**

Бадиий асарда бадиият масалалари. Образлилик ва сўз. Шарқ нотиклик санъати, Юнон нотиклик санъати, Рус нотиклик мактаби.

Поэзиянинг риторика билан боғлиқлиги. Бадиий маҳсул. Поэзияда нутқий воситалар: троп, фигура. Риторика – ишонтириш санъати. Бадиий дискурс. Риторик фигуралар. Бадиий матнда маъно кўчиши. Кўчим, метафора, метонимия ва ҳ.к. Шеърят ҳаракатдаги сўз. Лирикада сўз таъсири. Шеърятни ўзига хос қурилиш тизими. Поэтика ҳар хил назарий моделлар.

## **10-модул. Ижодий метод, услуб ва адабий мактаблар.**

Бадиий тафаккурнинг икки типи. Романтизм, реализм, классицизм методларининг хусусиятлари. Ижодий метод тушунчаси. Классицизм – алоҳида ижодий метод сифатида. Романтизм ва реализм – ижодий метод сифатида. Услуб тушунчаси. Бадиий адабиётда услубнинг ўзига хос хусусияти. Шарқ

адабиётшунослигида услуб масаласи. Метод ва услуб бирлиги. Адабий мактабларнинг назарий тамойиллари.

Бадий адабиётда “адабий мактаб”. “Адабиётшунослик мактаблари”. Адабий йўналишлар. Мактабларда таҳлил муҳокама. Сентиментализм, натурализм, сюрреализм, экзистенциализм, символизм, модернизм оқимлари.

Ижтимоий мактаблар, маданий тарихий мактаб, қиёсий-тарихий мактаб, авангард маданияти, формал мактаб, структурализм, модернизм мактаблари, тез ўқиш мактаби (Зунделевич), оммавий маданият, неомифологик онг мактаби, структурализм мактаби, феминистик мактаб, деконструктивизм мактаби, психоаналитик мактаб ва б.

## **11-модул. Бадий асар таҳлили ва адабий жараён.**

Бадий адабиётнинг кўлами ва мақсадлари. Мазмун ва шакл ҳақида умумий тушунча. Ёзувчи ижодининг пафоси ва бадий асар. Бадий асарда мавзу ва ғоя. Мавзулар доирасининг адабиёт учун аҳамияти. Бадий ғоя ва ғоявий мазмун. Бадий асарда мавзу ва ғоя, мазмун ва шаклнинг ҳамоҳанглиги. Таҳлил тамойиллари тушунчаси ва унинг моҳияти. Бадий таҳлил тамойилларининг илмий-назарий асослари. Таҳлил турлари ва унинг тамойилларга муносабати. Таҳлил ва талқин. Поэзияда интерпретация. Ҳозирги адабий жараён. Бугунги кун шеърлятига бир назар. Замонавий ўзбек насри тараққиёти. Ҳозирги ўзбек драматургияси ва адабий танқиди.

Муаллифнинг бадий матнга ёндашуви. Китобхоннинг асарга реакцияси. Таҳлил ва талқин. Адабий қонуниятлар.

### **Семинар машғулотлар**

#### **Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлари талабаларни адабиётшуносликка оид маълумотлар билан мустақил танишишга, уларни назарий нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин этишга йўналтиради. Талабалар эгаллаган билимларини дарс чоғида мунозара ёки маъруза шаклида ҳимоя қилади. Семинар машғулотларида талабалар адабиёт назариясининг илмий муаммолари тўғрисида амалий кўникма ва малака ҳосил қиладилар. Семинар машғулотларида талабалар “Адабиётшунослик” фанининг асосларини ўрганадилар.

#### **Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати**

1. Адабий жанрлар.
2. Адабий мактаблар.
3. Ҳикоя таҳлили.
4. Бадий асарда мавзу ва ғоя.
5. Сюжет ва композиция
6. Шеър таҳлили.
7. Ода ва қасида таҳлили

8. Марсия, элегия, таърих, эпитафия жанрлари таҳлили.
9. Бадиий асар тилининг стилистик хусусиятлари
10. Поэтика (бадиият) ва риторика
11. Ўхшатиш, ўхшашлик ва субъект
12. Бадиий асарларни қиёсий аспектда таҳлил қилиш
13. Ғазал таҳлили.
14. Шарқ адабиётшунослиги.
15. Адабий тур ва жанрлар.
16. Ижодий метод ва оқимлар.
17. Алишер Навоий, Бобур шеърларидаги бадиий санъатлар.
18. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари шеърларидаги тажнис, ийҳом, таносиб, иштиқоқ, тазод, тақрир каби лафзий санъатларни ўрганиш.
19. Жаҳон шеърӣ жанрлари.
20. Аруз, бармоқ тизимидаги шеърларнинг таркибий қисмлари (бўғин, туроқ, вазн, қофия, равий, радиф каби)ни мумтоз адабиёт намояндалари ва замонавий шеърӣят вақиллари шеърлари асосида ўрганиш.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши ўқув режада режалаштирилмаган.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба “Адабиётшунослик” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

**1) мавзулар бўйича конспект** (реферат, тақдимот) **тайёрлаш**. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

**2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш**. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

**3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш**. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий, бадиий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

**4) Интернет тармоғидан фойдаланиш**. Фан мавзуларини ўзлаштириш, реферат ва тақдимот тайёрлашда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

7) масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўллари аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсида олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсида амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Жонотан Каллернинг “Адабиёт назарияси” дарслигини ўқиб ўрганиш
2. Аристотелнинг “Поэтика” асарини ўқиб ўрганиш. Алишер Навоийнинг
3. “Мажолис ун нафоис”, “Муҳокамат ул луғатайн”, “Мезон ул авзон” асарларини ўқиб ўрганиш. Бобурнинг “Мухтасар” асарини ўқиб ўрганиш.
4. Фитратнинг “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида” асарларини ўқиб ўрганиш.
5. В.Г.Белинскийнинг “Танланган асарлар”, “Адабий орзулар” асарларини ўқиб ўрганиш.
6. В. Е.Хализевнинг “Адабиёт назарияси” дарслигини ўқиб ўрганиш.
7. Жаҳид адабиётининг вужудга келиши;
8. Юнон драматургиясида учта асосий жанрнинг вужудга келиши
9. Асарда характер яратиш принциплари;
10. Адабий турлар ҳақида маълумот. (Эпик ва лир тур мисолида)
11. Бадиий асар ва ижодий метод тушунчаси (Реализм методи мисолида)
12. Аристотелнинг “Поэтика” асаридаги драматик тур ҳақидаги тушунчалар.
13. Адабиётшунослик мактаблари.
14. Бадиий асар тилининг стилистик хусусиятлари
15. Бадиий асарда образ яратиш ва унинг турлари.
16. Фаннинг объекти ва субъекти масаласи.
17. Бадиий асарда сюжет унсурлари
18. Лирик турнинг бадиий имкониятлари.
19. Лирик тур ва унинг жанрлари
20. Кичик эпик тур жанрлари: ҳикоя, новелла, очерк, фельетон, латифа.
21. Бадиий асарда образ яратиш маҳорати.
22. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
23. Сюжет унсурлари (бадиий асар мисолида).

24. Бадий асар ва ижодий метод тушунчаси (Романтизм методи мисолида)
24. Композицион тамойиллар.
25. Жаҳон адабиётидаги шеърӣ тизмлар.
26. Бадий асарда шакл ва мазмун тушунчаси
27. Лирик турнинг бадий имкониятлари.
28. Риторика ва поэтика.
29. Бадий асарда мавзу ва ғоя тушунчаси.
30. Адабиётшунослик фанининг хусусиятлари.
31. Экспозиция ҳақида тушунча ва унинг турлари

### **Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан:

- образлилик - адабиётнинг асосий хусусияти бўлимларига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;

- ўхшатиш, ўхшашлик ва субъект, бадий асарларни қиёсий аспектда таҳлил қилиш мавзуларда ўтказиладиган амалий машғулотларда ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларидан;

- бадий асар тилининг стилистик хусусиятлари мавзуларидан ўтказиладиган машғулотларда кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Дастурдаги мавзуларни ўтишда таълимнинг замонавий методларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологияларнинг “Муаммоли таълим” технологияси, “Мунозарали дарс” методидан фойдаланиш назарда тутилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction. OUK 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умуоров Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир-Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.
- 2.
3. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
5. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
6. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
7. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999.

#### **Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. <http://e-adabiyot.uz/component/content/section/10.html>
3. <http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik.html>
4. <http://www.easyschool.ru/books/literatura/vvedenie-v-literaturovedenie-chernezh-halizer/>



